# БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

**_Халқ артисти, севимли актрисамиз Сора Эшонтўраева бу йил қутлуғ 85 ёшини қаршилайди. Аянинг ҳаёти, санъаткор сифатидаги фаолияти таърифу тавсифига сўз ожиз. Нуроний чеҳрасида юлдузларнинг салоҳияти, қуёшнинг тафти, заминнинг ҳокисорлиги бор._**

*Юзма-юз:*



*Сора ЭШОНТЎРАЕВА:*

## «САНЪАТ МЕНИНГ САОДАТИМДИР»

— Мен Наманган вилоятининг Янгиқўрғон туманига қарашли Бешбулоқ маҳалласида туғилганман, — деб сўз бошлайди Сорахон ая, олис йиллар воқеаларини хотирларкан. — Отамни эслайёлмайман. Онамнинг қўлида уч жўжабирдай жон қолганмиз. Кейин билишимча, турмушнинг оғирлигидан, онам мени маҳалламиздаги Ҳабишвой Эшондадаев деган одамга боқиб олиш учун берган экан. Бу хонадон ҳам бошқалар қатори амал-тақал кун кечирарди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўгай отам мени деб иккита кўрпани бозорга олиб бориб икки ҳовуч гуручга алмаштириб келганди. Онам ҳам мени деса жон бергудек эди.

**— Уларнинг сизга бунчалик меҳр қўйишининг сабаби нимада эди?**

— Фарзандлари йўқ эди. Шундан, гарчи асранди бўлсам-да, мени ўз қизларидек севишар, еру кўкка ишонишмасди.

**— Мени маъзур тутсангиз бир савол бермоқчи эдим. Назаримда, туққан онанинг меҳрини ҳеч нарса билан алмашиб бўлмайди. Албатта, сиз ўша пайтлари асранди эканлигингизни билмагансиз, аммо кейинчалик ўз онангизни қўмсаган бўлишингиз керак...**

— Туғишган деган сўзнинг замирида жуда катта маъно бор. Ёш пайтларимдаёқ қалбимнинг аллақайси бир бурчида ўз туққан онамга талпиниш сезганман. Эҳ, у дамлари эслаш нечоғли оғир!..

Ёшгина қизалоқ ҳовлида ўйнаб юрардим, ўшанда. Аллақаердан мискин бир аёлнинг шикаста товуши қулоғимга чалинди. Унинг овозида соғинч ҳайқириғи, шу билан бирга кимнингдир эшитиб қолишидан чўчиганнамо бир ҳадик муштарак эди. Ўша овоз ҳали-ҳали қулоғим остида жаранглайди. Баъзан тушларимда ҳам кимдир мени «Бибисорау-в!», деб чўзиб-чўзиб чақираётгандек бўлади. Шу товушни илк марта эшитганимда, аввалига жин-ажиналар чақиряптимикин, деб қўрқдим. Лекин товуш шундоққина деворнинг нарисидан, кўча томондан келаётганини англаб, ўша ёққа отилдим. Уйимизнинг олдидан катта ариқ оқиб ўтарди. Ариқнинг нариги бетида паранжи-чачвонли бир аёл турар, мени кўриб юзидан чачвонини кўтарди. Унинг кўзлари йиғидан қизариб кетган, юзлари ёмғирда қолган гулдек шалаббо эди. Мени кўргач, у икки қўлини олдинга чўзиб: «Бибисора, кел менга, кел менга», деб кула бошлади. Бу на кулгига, на йиғига ўхшарди, аслида. Қисматнинг шум ўйинини қарангки, ўртадаги ариқ сабаб, биз бир-биримизнинг яқинимизга бора олмасдик. Бу ҳол кейин яна бир-икки такрор бўлди. Мен, гарчи у аёлнинг кимлигини билмасам-да, ҳар қандай қўрқув, ҳадикни унутиб, унинг оғушига талпинардим. Эсимни танигач эса, худди ана шу аёл ҳақиқий онам Ҳанифа биби эканлигини англаб етганман.

**— Сиз кўплаб драматик ролларни маромига етказиб ижро этгансиз. Муваффақиятларга эришишингизда ҳаётингизда рўй берган юқоридаги сингари воқеалар қўл келганми?**

— Албатта. Айниқса, «Гамлет»да Офелия ролини менга беришганида жуда кўп изланишга тўғри келганди. Инсон руҳиятининг турли ҳолатларини, ҳатто ақли ноқис хотинларнинг ҳатти-ҳаракатларигача кузатганман. Ўша чоғлари онамнинг ариқ бўйидаги забун ва афтода ҳолатини ҳам хотирамда тиклаб ўзлаштирганман.

**— Энди актёрлик фаолиятингизнинг бошланиши, умуман, саҳнадаги ҳаётингиз ҳақида бироз тўхталсак.**

— Бизнинг Тошкентга кўчиб келишимиз, менинг ўз мақсадларимга эришув йўлидаги дастлабки қадамларим бўлди, десам, хато қилмайман. Шайхонтоҳурдаги Зебинисо номли ҳунар мактаб-интернатида ўқиш билан бир қаторда ҳар хил ҳунар ўрганардим. Интернатда драмтўгарак ташкил этилган бўлиб, унда Али Ардобис деган киши бошчилигида турли спектакллар саҳналаштириларди. Ана шу ерда мен илк ролимни ижро этганман. Бу «Ятима қиз» спектаклидаги Ятима образи эди. Эсимда, ўшанда ижро этган ролимдан таъсирланган томошабинлар менга қўшилиб йиғлашган.

1925 йили интернатдан мен ва дугонам Турсуной Саидазимовани Москвага ўзбек драмстудиясига ўқишга жўнатишди. У ердаги ҳаётимиз жуда мароқли кечди. Басов, Толчанов, Свердлин сингари буюк санъат усталаридан театр санъати сирларини ўргандик. Улар ўзларидаги бор билими, тажрибасини бизга сингдиришга ҳаракат қилишар, актёрлардаги хусусиятларга қараб спектакллар тайёрлашарди. Шу билан бирга Чўлпоннинг «Ёрқиной» ва «Яна уйланаман» деган асарлари устида ҳам иш олиб борилар эди. Ўша вақтларда Чўлпоннинг бизга таржимон, ёзувчи, шоир, адабий эмакдош сифатида кўрсатган хизматлари беқиёс бўлган. Мен студиядагилар орасида энг ёши эдим, ўшанда тажрибали, ҳаётни кўрган артистлар Маннон Уйғур, Етим Бобожон, Аброр Ҳидоятов, Фатхулла Умаровлар билан бирга ишлардим.

**— Бундан чиқди, Аброр Ҳидоятов билан Москвада танишган экансиз-да?**

— Ҳа, Аммо биринчи марта Тошкентда кўрганман.

Интернатда ўқиб юрган кезларимиз театрга тушиб турардик. Ҳозиргидек эсимда, «Иблис» спектаклини томоша қилаётганимизда оловлар орасидан отилиб чиққан Азозилни кўриб, чинқириб юбораёзган эдим. Шундан кейин Аброр акамни «Лайли ва Мажнун» спектаклида учратганман.

Хуллас, Москвада танишдик, тўйимиз Самарқандда бўлган. Ўшанда бир спектаклда ошиқ-маъшуқ ролини бажаришга тўғри келиб қолганди. Бир куни спектаклдан кейин Аброр акам менга қараб: «Сора, шулар рост бўлиб қолса-я», деб қолди. Мен ҳам ийманиброқ: «Билмадим», деб жавоб қилдим. Юлдузимиз юлдузимизга қўш-илган эканми, орадан кўп ўтмай турмуш қурдик. Бирин-кетин Гога, Темур исмли фарзандларимиз туғилишди.

**— Дарвоқе, нима учун тўнғич фарзандингизни Гога деб атагансиз?**

— «Портфелли киши» спектаклида Гога исмли 14 яшар бола ролини ўйнаганман. Ўғлимнинг исми ана шундан келиб чиққан.

**— Ҳаётингиздаги энг бахтиёр дамни эслай оласизми? Армонингиз ҳам борми?**

— Биринчи саволингизга жавоб бериш учун Москва хотираларига қайтишга тўғри келади. Ўшанда қўлимга В. Ф. Комиссаржевская ҳақидаги «Россия қуёши» китоби тушиб қолди.

Унда таниқли ва машҳур актрисанинг, ижро этган роллари, образ яратиш усуллари баён этилганди. Мен Комиссаржевскаядек бўлишни жуда-жуда хоҳлардим.

Орадан йиллар ўтиб, Москвада, театр жамоаларининг катта йиғинида раислик қилувчи залга қараб: «Где это узбекская Комиссаржевская?» деб қолди. Билсам, мени сўрашаётган экан. Мени идеалимдаги инсон билан баробар қўйишган ўша кунни ҳеч унутмайман.

Армонлар хусусига келсак, армоним йўқ. Ҳаётда нимаики орзу қилган бўлсам, ҳаммасига эришдим. Санъат менинг саодатимдир!..

**Феруза ЖАББОРОВА суҳбатлашди.**



*Олтин олма, дуо ол...* **Т. ҲАМРОҚУЛОВ сурат-лавҳаси.**

## ТАФАККУР ГУЛШАНИ

**Яхшилар кетидан агар**
**чопарсан,**
**Истагинг, бахтингни шунда**
**топарсан.**
**САЪДИЙ.**

**Сенга қилинган яхшиликни унутма, лекин ўзинг қилган яхшиликни унут.**
**ПУБЛИЛИЙ СИР.**

**Жисман бақувват одам иссиққа ҳам, совуққа ҳам бардош беради. Худди шунингдек, руҳан тетик одам ғазабга ҳам, қайғуга ҳам, шодликка ҳам бошқа кечинмаларга ҳам чидайди.**
**ЭПИКТЕТ.**

**Хотираси ўзи севган одамлар қалбида муқаддас сақланадиган одам, менимча, ўлимдан кейин ҳам барҳаёт бўлиб қолиш учун зарур ишни қилиб қўйган одамдир.**
**Г. ЭБЕРС.**

## БОШҚОТИРМА




**Мазкур кроссворд (сўзлар кесишмаси) қисман бобомиз Амир Темур ҳаёти ва темурийлар фаолияти хусусида бўлиб, жавоб сўзлари соат мили йўналишида айланма ҳолатда катакларга жойлаштириш йўли билан ҳал этилади.**

1. «Улуғбекнинг астрономия мактаби» илмий монография китоби муаллифи. 2. Ҳиндистон, Рим, Ироқда яшаган Улуғбекнинг биринчи муаллими. 3. Темур саройининг эътиборли мунажжими, мавлоно. 4. Безак. 5. Бошга... (?) келса-да рост сўзла (ўгит). 6. Амир Темур портретини яратган мусаввир. 7. Бобоколонимиз волидаларининг муборак номлари — ... (?) Бегим Моҳ. 8. 1399-1404 йиллардаги етти йиллик юришда фатҳ этилган мамлакатлардан бири. 9. Хонларнинг кичик хизматчиси, қўриқчи. 10. Амир Темур туғилган мучал йили. 11. «Бек»нинг араб тилидаги маънодоши ёки унвон. 12. 1457-1459 йиллардаги Хуросон ҳокими. 13. Амударёнинг эски номи. 14. Аскарлар ва ҳарбий бошлиқлар унвонига қараб белгилланган нафақа. 15. Қадимда туркий халқларда етти пуштини билиш удуми. 16. Самарқанд боғларида пишган мева тури. 17. Амир Темурнинг тўрт вазиридан бири, Маҳмуд ал — ... (?) 18. Асримиз бошида ижод қилган ёзувчи. 19. Қўшиннинг марказий қисми. 20. «Бир... (?) ширин сўз қилични қинга киритади (ўгит). 21. ... (?) нинг муаллифи — ўшал Қаландар — аллома шоир Камол Хўжандий эркан (жанр). 22. Амир Темур 1399 йилда етти йиллик ҳарбий юришида забт этган давлатлардан бири. 23. Темурнинг диний раҳномаси. 24. Хон ва амирнинг шахсий хизматчиси. 25. «Давлат ишларини бошқаришда, подшо, хон, амирга ёрдам берувчи олий мансабдор. 26. Аркнинг кириш қисми. 27. «Сўзлагувчи чар... (?) эрур, тинглагувчи доно ўлсин» (ўгит). 28. Жаҳонгир ҳурматига сазовор бўлган момо. 29. Улуғбекнинг «Алири кабир»и ва VIII — IX асрда яшаган адиб Югнакийнинг «Ҳибатул ҳақойиқ» асарини тиклашга бел боғлаб, уни уйғур ёзувида кўчиртирган Арслон Хўжа — ... (?)

**Тузувчи: Инобат МИРЗАЕВА.**

### ГАЗЕТАНИНГ 26 ОКТЯБРЬ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН БОШҚОТИРМА ЖАВОБЛАРИ

**ЭНИГА:** 1. Бекобод. 3. Квадзе. 5. Тамбов. 7. Челентано. 9. Копаев. 10. Оҳиста. 12. Ҳалим. 14. Вулкан. 15. Найнов. 16. Мандат. 18. Романс. 20. Лимон. 21. Хёслер. 23. Боёвут. 24. Роҳатижон. 25. Дафина. 26. Арслон. 27. Андижон.

**БЎЙИГА:** 1. Будаев. 2. Дамино. 3. Карпов. 4. Ереван. 5. Татрин. 6. Власов. 7. Челленжер. 8. Оҳангарон. 9. Конимех. 11. Анзират. 12. Ҳамил. 13. Макон. 16. Масжид. 17. Тигана. 18. Роҳиба. 19. Соврин. 22. Роҳила. 23. Бойсун.

### ГАЗЕТАНИНГ 2 НОЯБРЬ СОНИДА ЧОП ЭТИЛГАН КРОССВОРД — МУАММОНОМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

**Марказ томон ўнгга:** 1. Атом. 2. Илон. 3. Лион. 4. Олой. 5. Омон. 6. Омоч. 7. Орол. 8. Угом. 9. Улоқ. 10. Эрон. 11. Ярог. 12. Хлор. 13. Флот. 14. Алоэ. 15. «Ироқ». 16. Ўроқ. 17. Умоч.

**Марказ томон чапга**: 1. Анод. 2. Ижод. 3. Лаос. 4. Одоб. 5. Озон. 6. «Ором». 7. Озод. 8. Уфор. 9. Ушоқ. 10. Эгов. 11. Яхоб. 12. Хром. 13. Фтор. 14. Асос. 15. Изоҳ. 16. Ўтов. 17. Улов.

### МУАММОНОМА

**Очқич:** 1. Аъло. 2. Кимё. 3. Шеър. 4. Пуд. 5. Басра. 6. Тонг.

***Ҳикмат:** Илмдан бир шуъла дилга тушган он*
*Шунда билурсанким, илм бепоён.*

### ШУ СОНДА ЧОП ЭТИЛГАН МАНСУБА ЖАВОБИ

Ечим: 1. 0 с4!




***Бир йигит бир чиройли қизни кўриб, унга тикилиб қолди. Кейин сўради:***

***— Яхши қиз! Сиз бир кўришда ошиқ бўлиш мумкинлигига ишонасизми?***

***— Йўқ, ишонмайман.***

***— Келинг, бўлмаса, иккинчи марта кўришайлик.***

* * *

***Машина бир одамни туртиб юборипти ва унинг оёғи шикастланипти. Судда жабрланган одам эллик минг форинт жарима ундириб беришни сўрапти.***

***— Нима бало, мени миллионер деб ўйлаяпсиз, шекилли? — дебди норози бўлиб машина эгаси.***

***— Сиз бўлсангиз мени қирқ оёқ деб ҳисоблайсиз, шекилли?***

* * *

***Иккита қария гаплашишяпти.***

***— Ёшлигимда қандай бўлса, ҳозир ҳам ўшандай бақувватман.***

***— Буни қаёқдан биласиз?***

***— Дарё бўйида ётган анави тегирмон тошини кўраяпсанми? 18 ёшимда мен уни ўрнидан жилита олмасдим. Ҳозир ҳам жилита олмайман.***

* * *

***Лиқ тўла трамвайда бир йигит бир одамнинг оёғини босиб тураверипти. Ҳалиги одам оёғини тортиб олиш ўрнига йигитдан сўрапти:***

***— Неча ёшга кирдингиз, йигитча?***

***Йигит хайрон бўлиб депти:***

***— Йигирма ёшга кирдим.***

***— Менимча йигирмага кирган одам оёғида туролса керак.***

*ИБН СИНО ДЕЙДИКИ...*

## САЧРАТҚИ

**_...Сачратқи ички аъзолар ва томирларнинг тиқилмаларини очади... Подаграга қуюқ суртма шифо бўлади._**

Иссиқ кўз яллиғланишига фойда қилади. Ёввойи сачратқининг сути кўзнинг оқини кетказади. Юрак ўйноғига қарши арпа билан қўшиб қуюқ суртма қилинади. Юракни кучли қилади.

Кўнгил айниш ва сафро қўзғалишини босади, меъдани кучли қилади.. Сачратқини, айниқса, унинг ёввойисини сирка билан ейилса ични қотиради.

Халқ табобатчилигида қуритилган илдизи дизентерия касаллигини ва яллиғланиш жараёнларини даволашда, илдизидан тайёрланган қайнатма эса иштаҳа очиш ва овқат ҳазм қилишни яхшилашда ишлатилади.

Сачратқининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатмада офтоб урган болалар чўмилтирилади. Сачратқининг мойчечак гуллари аралашмасидан тайёрланган қайнатмаси жигар, талоқ, буйрак ва меъда касалликларини даволашда қўлланилади. Меваси эса иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтиради. Сачратқи кули қаймоққа қориштириб турли яралар ва бошқа тери касалликларида суртилади.

Сачратқи илдизидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйиб, устига майдаланган илдиздан 1 чой қошиқ солинади, бир оз қайнатиб, 1—2 соат қўйиб қўйилади. Сўнгра докада сузиб, кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичилади.

*Ўзбек тансиқ таомлари*

## СЎТЛИ ЎПКА

**_Ушбу таомнинг парҳезлиги шундаки, халқ табобатида у одам ўпкасининг турли касалликларида, ҳатто сил бўлганда ҳам шифо тарзида тавсия этилган._**

Қўй сўйганда ўпкасини жуда эҳтиёткорлик билан пичоқ теккизмай, юраги билан қўшиб олинади ва совуқ сувга ботириб қўйилади. Сўнгра ўпка ичига тўлдириб илиқ сув қуйиб мулойимлик билан ишқаб тўкилади ва ичидаги шиллиқ моддаси чиқариб юборилади. Пуфлаб, нафас тешикчаларини кенгайтириб яна илиқ сув қуйиб ўпка оқ тусга киргунча бу жараён давом эттирилади.

Қозонга сутни қуйиб, туз ва сарёғ солиб, оловга қўйилади ва илигандан кейин ўпка ичига қуйилади. Бу ишни трахеяга воронка ёрдамида оз-оздан ёғли сут қуйиб ўпкани массаж қилиб бажарилади. Ўпканинг ичини ювганда неча литр сув кетган бўлса, (ҳисоблаб борган бўлишингиз керак) сут ҳам шунча керак бўлади.

Бу ўпканинг катта-кичиклигига ва нафас тешикчаларининг қай даражада очилганлигига боғлиқ бўлиб, 10 литрдан 15 литргача сут ютади. Ўпка катта тоғора ичига қўйилади, сутнинг қуюқ қисми ўпка ичида қолиб, сув қисми танасидан тепчиб чиқиб туради. Ўпка «қўйганда» оқ тусга киради, у ер-бу ерида оқармаган жойлари (доғлари) бўлса аста массаж қилсангиз сутга тўлиб оқаради. Тўлган ўпканинг кекирдагидан боғлаш керак, бунинг учун соннинг лаҳм қисмидан сабзи катталигида юмалоқ бир парча гўшт кесиб олиб пўкак сингари тиқиб арқоқ ип билан айлантириб боғланади, токи пиширилаётганда ичидаги сут чиқиб кетмасин. Энди сутли ўпкани қозонга солиб тоғородаги суюқликка ва яна қўшимча сув ҳам қуйиб устига юк бостириб қўясиз ва ўт ёқасиз. Қайнаб чиққанидан сўнг оловни пастлатиб 2,5 соат давомида милтиратиб қўясиз. Қайнаш жараёнида ўпка доимо сувга ботиб туришига аҳамият беринг.




Американинг «Форбс» деб номланган журнали дунёдаги энг бой кишилар рўйхатини эълон қилди. «Майкрософт» корпорациясининг соҳиби — бойлиги 18 миллиард АҚШ долларига етган Билл Гейтс бу рўйхатдан биринчи ўринни эгаллаган.

Журналда маълум қилинишича, «Форбс миллиардерлар клуби»га 1996 йилда 447 киши аъзо бўлган. Уларнинг ҳар бири камида 1 миллиард долларлик мол-дунёга эга. Клуб аъзоларининг учдан бир қисми америкаликлардан иборат. «Жамоа»нинг умумий бойлиги эса 1 триллион долларга яқин, дея баҳоланмоқда.

Шуниси қизиқки, 1995 йилда миллиардерлар бу йилдагидан анча кам — 388 кишидан иборат эди. Агар фоиз ҳисобида ҳисобланадиган бўлса, жорий йилдаги ўсиш салкам 30 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин.

«Форбс» фақат тадбиркорлик билан катта бойликка эришганларни қайд этгани учун, мазкур рўйхатга айрим давлат бошлиқлари ва подшоҳлар киритилмаган. Акс ҳолда, мол-дунёси 50 миллиардга етаётган Бруней Султони бу борада якка пешқадам бўлиб олиши турган гап эди.

* * *

Швейцария қуролли кучлари кўп йиллардан буён садоқат билан ўз вазифасини бажариб келаётган... почтачи каптарларни «ҳарбий хизмат»дан озод қилди.

Маълумки, икки йил аввал совуқ уруш хавфи батамом тугатилгандан сўнг, ҳукумат қарорига биноан, мамлакатдаги қуролли кучлар сони 600 мингдан 400 минг кишига қисқарган ва бу ислоҳотлар натижасида каптарларни ҳам камайтириш режалаштирилган эди. Лекин, халқ орасида юзага келган норозиликлар туфайли, ислоҳотлар уларни четлаб ўтганди.

Эндиликда эса, «заҳирадаги» каптарларни давлат ҳимоясига олиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди ва ўз-ўзидан норозиликларга барҳам берилди. Ҳозир собиқ почтачилар «Швейцария каптарбозлар жамғармаси» қарамоғида ҳаёт кечирмоқда.

* * *

Австралияда башарият тарихида илк бор «Табиблар розилиги билан ўз жонига суиқасд қилиш» тўғрисида қонун чиқарилди. Унга кўра, ҳаётдан умиди қолмаган беморлар камида учта табибдан «бедаво дардга йўлиққан»и ва «ортиқ қийналиб яшашни истамаётгани»ни тасдиқловчи маълумотнома олади. Шундан сўнг беморга яна бир бор ўйлаб кўриш учун икки ҳафта муҳлат берилади.

## ТОПИШМОҚ

*Учта ўрмон участкасининг ҳар биридан 32440 тадан ходани ташиб олиш керак. Бунинг учун 60 та машина юборилди. Бу машиналарнинг ҳар бири кунига 120 тадан хода ташийди, 6 кундан кейин бу машиналарнинг бир қисми бошқа ишга юборилди. Қолган ходалар 11 кунда ташиб бўлинди. Нечта машина бошқа ишга юборилган?*



ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
***Парламент 33-57-34;***
***Хатлар 33-07-48;***
***Мерос ва қадриятлар 36-29-89;***
***Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;***
***Иқтисодиёт 36-36-65;***
***Маънавият 36-35-60;***
***Тунги муҳаррирят 33-10-28.***
***Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60***

**• МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир — О. Раҳимов.
Навбатчи — F. Шермуҳаммад.
Мусаҳҳиҳ — Б. Ҳасанов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0580 31671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топширш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топширилди — 21.20.** 1 2 3 4 5 6